

Сўхликларнинг орзулари ушалмоқда

Бугун Сўх тумани янгиланишлар оғушида. Қай манзилга борманг, одамлар ҳаётида ўзгаришлар бўлаётганини сезасиз.

Бир пайтлар ёзда чанг, қишда лой кўчалар бугун ҳавас қилгудек. Эски, омонат симёғочлар ўрнига темир-бетон таянчлар ўрнатилиб, янги ҳаво линиялари тортилган. Авваллари одамлар қўшни давлатларга ишлаш учун борган бўлса, эндиликда янги ишлаб чиқариш корхоналари кўпайиши ҳисобига хорижга боришга зарурат қолмапти.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 8 августдаги «2020-2021 йилларда Фаргона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори сўхликлар учун қувончли воқеалардан бири бўлди. Қарорга асосан 2020-2023 йилларда Сўх туманидаги 59 мингдан ортиқ аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш учун 274 километрлик тармоқ тортиш ва 30 та иншоот қуриш ҳамда реконструкция қилиш белгиланди.

Туман аҳолисини обихаёт билан таъминлашга бош бўлган пудратчи корхона – «Янги авлод қурилиш инвест» МЧЖ томонидан берилган маълумотга кўра, лойиҳа доирасида 250 км.дан ортиқ ичимлик сув тармоғи тортилди. 14 та сув қудуғи ўрнига 18 та қудуқ қавланди, шунча сув минораси ўрнатилди. 27 та маҳалладан 25 тасига ичимлик сув етиб борди. Лойиҳадан ташқари яна 90 км.дан ортиқ тармоқ тортилди. Йил якунига қадар туман

аҳолисини ичимлик сув билан тўлиқ таъминлаш йўлида астойдил меҳнат қилинмоқда.

– Биз сўхликларнинг энг катта муаммоси – тоза ичимлик сув бўлиб келган, – дейди «Ленбур» МФЙ раиси Файратжон Неъматов. – Шу пайтгача дарё сувини ташиб ичдик. Бугун ушбу машаққатлар ортада қолди. Президентимизнинг ташаббуси билан бутун Сўхга тоза ичимлик сув келди. Хусусан, қишлоғимизга 2 та сув минораси, 13 км. сув тармоғи тортилди. Ҳозир ҳар бир хонадонга обиҳаёт кириб борди. Давлатимиз раҳбарининг Сўхга эътибори туфайли узоқ йиллик муаммолар ўз ечимини топмоқда. Бу каби хайрли ишлардан тумандошларимизнинг барчаси хурсанд.

60 ёшли Ҳабибжон Шуқуров туманнинг энг чекка ҳудуди ҳисобланган «Ҳазрати Али» маҳалласида яшайди. У бугунги ўзгаришларни шундай ифодалайди:

– Тоза ичимлик сувни ичиш орзумиз эди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, шу ёшимгача ариқ сувини ичиб келдик. Бугун бу муаммолар, машаққатлар ортада қолди. Юртбошимизнинг хайрли ташаббуси билан сўхликларнинг энг катта орзуси ушалди.

Ҳа, Фаргона марвариди Сўх кун сайин чирой очиб, одамларнинг турмуш тарзи, ҳаёти ҳам шунга монанд ўзгариб бормоқда.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»



Тошкент вилояти Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармасида ходимларнинг меҳнат таътили пуллари кам ҳисоблангани аниқланди.

Касаба уюшмаси аралашгач...

Қарийб 42 МИЛЛИОН сўм тўлаб берилди



Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент вилояти бўйича меҳнат техник инспекторлари томонидан ўтказилган ўрганиш жараёнида аниқланган камчилиқни барта-раф этиш бўйича, иш берувчига кўрсатма хати киритилди.

Унга асосан, 24 нафар ходимга берилган меҳнат таътиллари қайтадан ҳисоб-китоб қилиниб, ўрнатилган меъёрларга мос равишда уларга фойдаланилган таътиллари учун жами 41 762 487 сўм миқдоридagi пул маблағлари тўлаб берилди.

Жўрабек ИСЛОМБЕКОВ,

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент вилояти бўйича меҳнат техник инспектори



Инсоният тамаддунига дахлдор масала

Шу йилнинг 7-8 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича халқаро анжуман бўлиб ўтди

Унда дунёнинг 32 давлатидан 620 нафардан зиёд меҳмон ҳамда 30 дан ортиқ нуфузли халқаро ташкилот вакиллари қатнашди.

Самарқанддаги конгресс марказида халқаро конференциянинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг анжуман қатнашчиларига муро-

жаатини Бош вазир А.Арипов ўқиб эшиттирди.

Самарқанд анжумани қишлоқ хўжалигига «ноу-хау»ларни олиб кириш, дунёни «ноль очлик» мақсадларига эриштиришдек муҳим масалада қарашларни бирлаштирди.

Анжуман фақат маслаҳат ва фикр алмашувлардан иборат бўлиб қолмади. Бу ерда логистика, маҳсулдорликни ошириш ва мониторингнинг йўлга қўйиш юзасидан ҳам муҳим қадамлар ташланди. Тадбирнинг яна бир эътирофини жиҳати Марказий Осиё давлатларининг кооперация тизими орқали маҳсулот етиштириш ва айирбошладиги ҳамкорлик келишувидир. Ўзбекис-

тон томони кўтарган бу ташаббус минтақа давлатлари аҳолиси учун ҳам озиқ-овқат хавфсизлиги кафолати бўлиб хизмат қилажак.

Конференция доирасида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири А.Воитов бир қатор халқаро ташкилотлар раҳбарлари, ҳамкор хорижий давлатлар вазирлари билан икки томонлама учрашувлар ўтказди.

Тадбир иштирокчилари «Ўзбекистоннинг агро озиқ-овқат салоҳияти» кўргазмаси билан танишиб, биринчи инвестиция форумида иштирок этишди.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

Ўзбекистон касабалар уюшмалари федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган

12-11 қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га

мамлатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

7 ойда 4 772 та ЙТХ


Жорий йилнинг етти ой давомида республика ҳудудида 4 772 та йўл транспорт ҳодисаси қайд этилган. Шундан 2 453 таси ёки 51,4 фоизи субъектив сабабларга кўра содир этилган, яъни ҳайдовчилар йўл ҳаракати қоидаларига эътибор бермаслиги оқибатида келиб чиққан. Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қутбиддин Бурханов ИИВ ЖХД ЙТХХ маълумотларига таяниб, мазкур йўл-транспорт ҳодисалари натижасида 1 115 киши ҳалок бўлганини, 4 минг 564 нафари турли тан жароҳатлари олганини маълум қилди.

1 078 нафари ёки 96,7 фоизи хавфсизлик камарини тақмаган.

ЙТХ турлари бўйича сабаблар сифатида пиёдаларни уриб юбориш, автомашиналар тўқнашуви ва бошқалар қайд этилган.

Биргина Тошкент шаҳар мисолида ўтган етти ойда 675 та ЙТХ содир бўлган ва бунинг оқибатида 71 киши ҳалок бўлган, 787 киши турли тан жароҳатлари олган.

Бахтсиз ҳодисаларнинг энг кенг тарқалган сабаби, яъни 199 та ҳолат тезликни ошириш сабабли юзга келган. Ҳайдовчилар томонидан 90 та ҳолатда тақиқловчи светофор ишорасига эътибор бермаслик оқибатида, маст ҳолатда эса 8 та ЙТХ содир этилган.



ТАҲРИРИЯТДАН:

Ушбу рақамлардан кўриниб турибдики, ЙТХлар бугунги даврнинг долзарб муаммоларидан бирига айланган. Туғри, бу борада қатор чора-тадбирлар кўриляпти, турли усуллар амалиётга татбиқ этилмоқда. Шулардан бири – йўлларга ўрнатилган ва тобора кўпайтириб борилаётган РАДАРлар.

Аммо яна рақамлар кўрсатаяптики, буларнинг ҳеч бири ЙТХлар камайишига таъсир қилаётгани йўқ. Тезликлар ҳар қанча чекланмасин, ўлимлар сони камаймаяпти... Уларнинг сони радарларга ҳамоҳанг ўсмоқда! Аксинча, радарлар сонини ошириш ва тезликни камайтириш фақат жарималар ундиришгагина хизмат қилаётгандек, назаримизда.

Бу ҳақдаги мулоҳазаларни газетанинг 3-саҳифасида ўқишингиз мумкин.





Бухоро вилояти

Президентимиз шў йил 10-11 август кунлари вилоятимизда бўлганида Бухорони хотин-қизлар орасида жиноятчилик ва ишсизликдан холи намунали ҳудудга айлантириш тўғрисида таклиф билдирди. Бу ғоя ҳудудимизнинг барча шаҳар-туманларида хавфсизлик ва тартибни сақлаш, фуқаролар ҳушёрлиги ва огоҳлигини ошириш, тинчлик-осойишталикни таъминлаш борасидаги ишларни янада кучайтиришга хизмат қилади. Унинг вилоят фаоллари ва касаба уюшмалари Федерацияси ҳамкорлигида амалга оширилиши эса соҳада жамоатчилик назоратини ўрнатилган муҳим омилига айланади.

Зеро, ҳозир вилоятда хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, ишсизликни бартараф этиш борасида манзилли чоралар ишлаб чиқиш ишлари жадал олиб борилаётганда.

Яқинда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ботир Аҳмедов бошчилигида ўтказилган видеоселектор йиғилиши ҳам айнан шу масалага бағишланди. Унда жиноятчиликнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш, бу йўлга кириши эҳтимоли бор аёллар муаммоларини хонадонма-хонадон юриб ўрганиш, муаммоларини ҳал этиш, бандлигини таъминлаш бўйича манзилли чоралар кўриш масалалари муҳокама қилинди.

Вилоятда «Жиноятчиликка қарши кураш», «Бандлик», «Аёллар дафтари» йўналишлари бўйича фаоллар ҳамда соҳа мутахассисларидан иборат учта ишчи гуруҳ тузилди. Хотин-қизлар билан мулоқот жараёнида уларнинг таклиф ва муаммоларини ўрганиш аҳақетаси ишлаб

Ҳаётдан рози инсон жиноятга қўл урмайди



чиқилди. Кейинги жараёнларда эса «Маҳалла бешлиги», яъни маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ва профилактика инспектори томонидан ҳудуддаги жиноят содир этиши ёки жиноят туфайли жабр кўриши мумкин бўлган хотин-қизлар рўйхатлари шакллантирилади. Таҳлилий маълумотлар асосида уларнинг муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган дастур яратилади. Унинг ижросини таъминлаш асносида турли таъйиқ ва ўзравонликларни барвақт аниқлаб, аёлларнинг жабрланиши олди олинади. Шунингдек, алимент тўловларини ундириш чоралари кўрилади. Маҳалла хотин-қизлари учун маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш, профилактика ва пробация ҳисобида турган аёллар билан маъна-

вий-тарбиявий ва психологик ишлар олиб бориш, миграциядан қайтган аёллар муаммоларини ўрганиш ишлари олиб борилади. Йиғилишда вилоятни аёллар ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш масаласига ҳам алоҳида урғу берилди ва айни йўналишда алоҳида дастур ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди. Бунда тармоқлар ва соҳалар кесимида ҳар бир туман ва шаҳардаги вакант иш ўринлари, вақтинча ва мавсумий ишлар, тадбиркорлик, ўзини ўзи банд қилиш, жумладан, кредит ва субсидия ажратилиш бўйича ресурслар захираси, томорқадан самарали фойдаланиш имкониятлари сарҳисоб қилинади. Ишсиз аёллар сони, уларнинг хоҳиш-истаклари ва туман-шаҳарнинг мавжуд имкониятларини ўзаро мувофиқлаштирган ҳолда ҳар бир аёлни ишга қилиш юзасидан дастлабки таҳлилий хулосалар чиқарилади.

Муҳими, бу борада «Аёллар дафтари» дастури асосида башланган ишлар изчил давом эттирилади. Сабаби, унга асосан ҳозирга қадар воҳамиздаги 54 мингдан зиёд хотин-қизларнинг муаммоси ҳал этилган бўлса, қарийб ярмининг бандлиги таъминланди. Натижада аёлларнинг ҳаётдан розилиги ортди. Ҳаётдан рози инсон эса ҳеч қачон жиноят кўчасига қадам қўймайди.

Башланган бундай хайрли ишлар воҳамиз жиноятчиликдан холи ҳудудга айланганида, хотин-қизларимиз жамиятда ўз ўринларини топишида муҳим аҳамият касб этади.

Ҳамид БЕШИМОВ,
Бухоро вилояти касаба уюшмалари
кенгаши раиси ўринбосари

Жараён



Тошкент шаҳри

Тадбир

ЭНГ ЯХШИ СОВҒА

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси Тошкент шаҳар бошқармаси касаба уюшма қўмитаси хайрли ишга қўл уриб, янги ўқув йили муносабати билан тасарруфдаги ташкилотлар ходимларининг фарзандларига ўқув-қуроллари тарқатди.

– Биринчи синфга қадам қўйган болажонларга улашган совғамиз ўқиб давомида жуда асқатади, – дейди ташкилот касаба уюшма қўмитаси раиси Бехзод Абдиев. – Ниятимиз – шу ўқувчилар келгусида Ватанга, жамиятга нафи тегадиган инсон бўлиб вояга етсин.

Ўз муҳбиримиз



Қашқадарё вилояти

БАЙРАМОНА КАЙФИЯТДА

Шаҳрисабз шаҳрида педагог ходимлар ўртасида «Саломатлик» спартакиадаси ўтказилди.

Эркалар шахмат, аёллар шашка спорт тури бўйича ўзаро мусобақалашган баҳслар кучли рақобат остида ўтди. Яқунда ғолиб ва совриндорлар рағбатлантирилди.

Шунингдек, тармоқ касаба уюшмаси шаҳар кенгаши томонидан энг улуғ ва энг азиз байрамимиз арафасида ҳудуддаги 62 нафар кам таъминланган ва эҳтиёжманд ходим фарзандларига ўқув қуроллари тақдим этилди. 100 нафар илғор ўқитувчига эсдалик совғалари топширилди.

Умид ОРТИҚОВ,

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси
Шаҳрисабз шаҳар кенгаши раиси



Сурхондарё вилояти

Қўмақ

СИҲАТГОҲГА БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМАЛАР

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши давлатимиз мустақиллигининг 32 йиллиги байрами муносабати билан касаба уюшма аъзоларининг 3 нафарига «Умид гулшани» санаторийсига бепул йўлланма топширди.

Сурхондарё вилояти «Тоza ҳудуд» давлат унитар корхонаси транспорт воситалари техник ҳолати назоратчиси Жамшид Алламурастов, Шеробод тумани «Чорбоғ» тез тиббий ёрдам бўлими ҳамшираси Гулшарин Кенжаева, Олтинсой тумани тиббий ёрдам бўлими ҳамшираси Гулжамол Ашурова бундай эътибор учун ўз миннатдорликларини изҳор этишди.

Турсунўлат ҚОБИЛОВ,

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Сурхондарё вилояти кенгаши
ижтимоий суғурта бўлими мудири

Ўқув-семинар



Асосий эътибор фаолиятни яхшилашга қаратилади

ректорлари, касаба уюшма қўмиталари раислари қатнашдилар.

Иштирокчилар даставвал педагогика коллежида ишловчилар учун яратилган шароитлар ҳамда коллеж касаба уюшма қўмитаси фаолияти, иш ҳужжатлари билан яқиндан танишишди.

Семинарда Президент раис-

лигида бўлиб ўтган видеоселекторда мактабларда таълим сифатини янада яхшилаш, ўқувчи ўрнини кўпайтириш ҳамда ўқувчилар малакасини ошириш, уларга муносиб шароит яратиш бўйича белгиланган устувор вазифалар борасида фикр билдирилди. Шу билан бир қаторда, ҳар оянинг

сешанба куни «Бошланғич касаба уюшма ташкилотларига амалий ёрдам бериш куни» муносабати билан бу жараёнда асосий эътиборни касаба уюшмалари фаолиятини яхшилаш, бошланғич ташкилот касаба уюшма раиси билан даражасини ошириш, бошланғич ташкилот фаоллигини кучайти-

ришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Маърузачилар ижтимоий суғурта ҳамда касаба уюшма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, санаторийларга йўлланмалар бериш тартиби, ходимлар билан иш берувчи ўртасида меҳнат шартномаси тузилишида, уни ўзгартиришда ва бекор қилишда қонунчилик талаблари бузилмаслиги, тиббий кўриқдан ўтказиш, меҳнат муҳофазаси масалаларини ташкил этиш каби бир қатор масалалар хусусида иштирокчиларга тўлақонли тушунтириш беришди.

Ўқув-семинар давомида бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Уларга шаҳар кенгаши томонидан тайёрланган услубий қўлланмалар тарқатилди.

Орзуғул РУСТАМОВА
«ISHONCH»

Сирдарё вилояти

Спартакиада

Гулистон шаҳридаги «Алпомиш» спорт мажмуасида сирдарёлик тиббиёт ходимлари учун саломатлик спартакиадаси уюштирилди.

СПОРТДА ҲАМ МОҲИР ТИББИЁТЧИЛАР

Унда 200 дан ортиқ саломатлик посбонлари иштирок этиб, шахмат-шашка, волейбол, стритбол ҳамда аёллар ва эркалар ўртасида стол тенниси турлари бўйича мусобақалашиб, бор маҳоратларини ишга солдилар.

Мусобақа якунида Сардоба тумани тиббиёт бирлашмаси жамоаси волейболчилари биринчилиكنи қўлга киритган бўлса, стритбол бўйича ғолиблик Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Сирдарё вилояти филиали жамоасига насиб этди.

Шахмат бўйича беллашувларда Гулистон тумани тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси Дилноза Қўлдошева, шашка бўйича Ширин шаҳар тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси Азиза Нуриддинова пешқадамлик қилди.

Стол тенниси тури бўйича эркалар ўртасида ўтказилган мусобақаларда Мирзаобод тумани тиббиёт бирлашмаси лаборанти Самандар Юсуфжонов 1-ўрин соҳибига айланган бўлса, аёллар ўртасидаги баҳсларда 1-ўринга Оқолтин тумани тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси Сарвара Олимжоновна муносиб деб топилди.

Ғолиблар ва фаол иштирокчилар муносиб тақдирландилар.

Сардорбек ХОЛИҚУЛОВ,

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси
Сирдарё вилояти кенгаши мутахассиси



Навоий вилояти

Шахмат



АҚЛ ЧАРХИ БАҲСИ

Навоий шаҳридаги Ёшлар марказида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгаши «Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун» шиори остида ҳаваскор ёш ишчи-ҳодимлар учун шахмат мусобақаси уюштирилди.

Қизгин кечган баҳслар якунида эркалар ўртасида «Навоийазот» АЖ электромонтёри Аббос Аҳтамов 1-ўринни эгаллаган бўлса, аёллар ўртасида Навбахор тумани БЎСМ ҳамшираси Муниса Жумаевага тенг келадигани топилмади. Ғолиблардан 6 нафарига Хоразм шаҳрига икки кунлик саёҳат учун йўлланма ажратилди.

Ғолиб ва совриндорларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Дилафрўз ЎРОЗОВА,

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Навоий вилояти кенгаши раисининг
ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Наманган вилояти

Наманган шаҳар педагогика коллежида Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши тизимдаги бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари ва иш берувчилар иштирокида «Касаба уюшмаси органлари фаолиятини Устав талаблари бўйича ташкил этиш» мавзусида кўргазмали ўқув-семинар ўтказди.

Унда касаба уюшмалари Федерациясининг вилоят кенгаши масъул ходимлари, мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси вакиллари, тизимдаги умумтаълим мактаблари, академик лицей, ДИМИ, коллеж ва бир неча таълим ташкилотлари ди-

ректорлари, касаба уюшма қўмиталари раислари қатнашдилар.

Иштирокчилар даставвал педагогика коллежида ишловчилар учун яратилган шароитлар ҳамда коллеж касаба уюшма қўмитаси фаолияти, иш ҳужжатлари билан яқиндан танишишди.

Семинарда Президент раис-

лигида бўлиб ўтган видеоселекторда мактабларда таълим сифатини янада яхшилаш, ўқувчи ўрнини кўпайтириш ҳамда ўқувчилар малакасини ошириш, уларга муносиб шароит яратиш бўйича белгиланган устувор вазифалар борасида фикр билдирилди. Шу билан бир қаторда, ҳар оянинг

сешанба куни «Бошланғич касаба уюшма ташкилотларига амалий ёрдам бериш куни» муносабати билан бу жараёнда асосий эътиборни касаба уюшмалари фаолиятини яхшилаш, бошланғич ташкилот касаба уюшма раиси билан даражасини ошириш, бошланғич ташкилот фаоллигини кучайти-



Андижон вилояти

«СУРЪЕТ» СМСлар

ёхуд рухсатсиз юборилаётган телефон хабарномалари хусусида

Андижонликлар истаса-истамаса, такси хизмати ва гилам ювиш фаолиятини йўлга қўйган тўрт-беш тадбиркорнинг бизнесига оид реклама билан танишишга мажбур. Масъул идораларда эса уларнинг бу хатти-ҳаракатларини тийиб қўядиган ваколатнинг ўзи йўқ.

«Реклама билан танишиш ҳам мажбурий бўларканми? Эйтибор бермасангиз, кифоя-ку!» дейишингиз мумкин. Тўғри, кўришга хоҳишингиз бўлмаса, катта кўчада олиб қўйилган баннердаги эълондан нигоҳингизни олиб қочишингиз, телевизорда реклама берилганда, ўчириб қўйишингиз мумкин. Аммо кўрсатилган хизмати ҳақида қўл телефонингизга бетахтов СМС маълумот юборётган тадбиркорлардан қочиб-қутулиб кўринг-чи!

Гап шундаки, Андижонда ҳам йўналишсиз такси хизматини йўлга қўйган тадбиркорлик субъектлари сони ортиб бормоқда. Танлов катта: 1052, 1064, 1087, 1134, 1177, 1187, 1415, 2233... Хуллас, шу каби исталган тўрт хонали қисқа рақамлардан бирига кўнгирак қилиб, Андижон шаҳри ва унинг атрофида такси буюртма қилишингиз мумкин. Уларнинг миқдорларга қай даражада хизмат кўрсатаётгани бошқа масала. Аммо, юқорида қайд этилганидек, исталган вақтда тап тортмай, қўл телефонингизга СМС юборишлари ҳар қандай асаблари мустаҳкам кишининг ҳам жигига тегиши турган гап.

«Таксичи»лардан ўрганиб, энди шаҳарда гилам ювиш хизматини йўлга қўйган тадбиркорлар ҳам бевек, берухсат одамларни безовта қилишни ўрганиб олишди. Ёз бўйи ҳар ҳафта, баъзан кунора келадиган СМС-рекламаларни юборётган сурбетларга савол берингиз келади: «Бу гилам ўлгур нари

борса, бир йилда бир ювиладиган матоҳ бўлса? Рўмолча ёки пайпоқ эмаски, ҳар кун сувга солаверсанг? Фаросатки ҳам ишлатинглар-эй!».

Одатда, уяли алоқа компаниялари орқали қўл телефонларимизга турли эълон ва рекламалар келиб туради. Бунда сиз, фавқулодда ҳодисалардан огоҳлантирувчи ва барча учун фойдандан холи бўлмаган мажбурий характердаги билдирувларни истисно қилмаганда, компанияларнинг реклама юбориш хизматини ўчириб қўйишингиз мумкин. Қизиги шундаки, сўз бораётган ҳолатда рекламалар уяли алоқа компанияси орқали қисқа рақамлардан эмас, сиз-у бизники каби жисмоний ёки юридик шахсларга тегишли оддий телефон рақамларидан юборилади: бугун бошқа, эртага бошқа, индинга яна бўлак рақамдан...

Уяли алоқа компанияси ва абонент ўртасидаги келишувга кўра, компания вакиллари сизнинг рақамингизни бошқаларга бериши мумкин эмас. Шундай экан, минглаб, ўн минглаб одамларнинг телефон рақамлари турли тадбиркорлар қўлига қандай қилиб тушиб қолган? Таксилар фаолиятини йўлга қўйган ва одамларга қайта-қайта СМС юборётган тадбиркорлик субъектларидан бирига кўнгирак қилиб, шу саволни бердик: «Рақамни кимдан олдингиз?».

Жавобнинг умумий мазмунини шундай дейлик, сиз қачондир қайсидир қисқа рақам орқали такси буюртма қилгансиз. Телефон рақамингиз уларнинг компьютер базасида сақланиб қолган. Шу тариқа вақт ўтган сайин сиз ва сиз каби мижозларнинг рақамлари

лари жадвалларини ўзаро алмашишади (ёки бири иккинчисига пуллайди). Қарабсизки, сизу бизнинг телефонларимиз айна шу шаклда хизмат кўрсатувчи ўнлаб юридик шахсларга тарқаб бўлган. Шу боис улар ҳар кун компьютерда битта тугма босиб, рўйхатида бор одам-



Orzu gilam yuvish xizmati endi Andijonda Zamonaviy uskunaga va tozalash vositalaridan foydalangan holda gilam, par ko'pro va yumshoq mebellaringizni sifatini saqlagan holda yuvib beramiz.
TEL: 000000000

Tez yordamdan ham tezroq Faqat piyoda arzonroq Bizning taxi doim sizga hamroh 1177 ga qiling qo'ng'iroq

Қадрдон 1052 такси хизмати доим сизнинг ва онлангиз хизматида
TEL: 1052



ларга реклама юбориб, бошқаларни ўз хизмати ҳақидаги маълумотлар билан танишишга мажбур қилишмоқда. Рўйхатдаги рақамлар сони балки 10 минг, эҳтимол, 50 мингдан зиёддир. Ҳар ҳолда, бу борада одамлардан жуда кўп эътирозлар бўляпти.

«Таксичи» ва «гилам ювувчи»ларга хос ана шу «ноу-хау» энди айрим хусусий тиббиёт муассасаларига ҳам кўчди. Тасаввур қилинг, бехосдан телефонингиз жиринглади. Нотаниш рақам. Гўшаки кўтарсангиз, аввалдан ёзиб олинган овоз сайрай бошлайди: «Ҳурматли фуқаро, сизни «фалон-фалон медсервис» марказидан безовта қилияпти, агар сизни юрак, буйрак, жигар, ўт пуфаги, эркаклар жинсий касаллиги... каби хасталиклар безовта қилаётган бўлса, 1 рақамини босиб, бизнинг мутахассис билан болганишингиз мумкин...».

Конунчилигимизда ўзгалар тинчлигини бузиш, шовқин кўтариш, ҳатто ярим тунда маҳалла ёки кўп қаватли уйлар атрофида баланд овозда муסיқа қўйиш учун ҳам маъмурий жавобгарлик белгиланган. Шундай экан, нега бўлар-бўлмаш рекламалари билан одамларни тўхтовсиз безовта қилаётганларга чора кўрилмаслиги керак? Ўзгаларнинг уяли телефонларига турли рақамлардан исталган вақтда реклама юбориш бирорнинг ҳовлисига рухсатсиз бостириб киришга тенглаштирилиши даркор. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари ҳамда реклама соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назорат қилишга масъул ташкилот – Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси мутасаддилари ушбу масалани жиддий ўйлаб кўрадиган вақт келмадимми?

Нурилло НЎЪМОНОВ
«ISHONCH»



Саломатлик

Бугун ҳаётимизни телефон, компьютер ва гаджетларсиз тасаввур қила олмаймиз. Ҳатто, айрим оналар кичик ёшдаги фарзандлари тинч ўтириши учун уларга қўл телефонларини бериб қўйишади. Бу каби техник воситалар катталар ва болажонларнинг кўзига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди.

МИОПИЯ – XXI АСР ХАСТАЛИГИ(МИ?)

Ҳўш, бунинг оқибатлари қандай бўлади? Ушбу саволларга жавоб олиш учун пойтахтдаги Республика иختисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт марказида бўлиб, офтальмолог, жарроҳ Саидҳамид ТОШПЎЛТОВГА мурожаат қилдик.

риш керак?

– Ҳар олти ойда бир борган яхши. Сабаби, баъзан иккаласида ҳам эмас, фақат битта кўзда ўзгариш бўлиши мумкин. Аммо бу сезилмайди, чунки иккинчи кўз ёрдамида яхшироқ кўриб туради. Вақт ўтиб, иккинчи кўзда ҳам касаллик аломатлари сезилгач, беморлар шифокор хузурига келишади. Аммо бу вақтда касаллик анча кучайиб кетган бўлади. Шу боис, биз имкон қадар юртошларимизга ҳар олти ойда кўзларини кўриқдан ўтказишларини тавсия қиламиз. Айниқса, ёш улғайвергач, кўз касалликлари ҳам орта боради. Шунинг ҳам унутмаслик керак.

– Кўряпмизки, касалхонага келаётганлар орасида ёшлар кўп? Бу нимадан далолат?

– Авваломбор, кўз касалликларининг тури кўп. Аммо ёшлар орасида энг кўп учрайдигани – миопия бўлмоқда. Бундан ташқари, ёши катталар орасида катаракта ва глаукома каби ҳам кўпайиб борапти. Технологийалар ривожлангани сайин компьютер ва гаджетлардан кўп фойдаланилмоқда. Оқибатда қуруқ кўз синдроми билан ҳам мурожаат қилувчилар кўп учраяпти.

– Ёшлар орасида миопия кўп учраётганини айтдингиз. У қандай хасталик?

– Миопия – узокни кўришнинг хиралашishi. Аввало, бунга хасталик деб қарамасак ҳам бўлади. Оғир асоратларга олиб келадиган кучли даражаларини касаллик деб қарашимиз мумкин. Миопия айримларда гендан ўтса, ҳозир кўпчиликда гаджетлар – телефон ва компьютерлардан узок пайт яқин масофада фойдаланиш оқибатида юзага келмоқда. Ҳаттоки, чақалоқларга ҳам айрим оналар қўл телефонларини бериб қўйишмоқда. Бу нотўғри. Чунки боланинг кўз нури 5-6 ёшда энди яқин масофада фойдаланиш бўлади. Агар у гаджетлардан фойдаланиб, қўзларнинг узокни кўриши функцияси яхши ишламайди. Оқибатда бола ёки ўсмирда кўриш қобилияти пасаяди. Бунинг олди олинмас, кейинчалик оғир оқибатларга, яъни кўриш қобилиятининг кескин тушиб кетишига олиб келади.

– Ота-оналарга бу борада қандай маслаҳатлар бериш керак?

– Ҳозир телефон ва гаджетлардан фойдаланиш ёшлар ва болалар орасида кўпайиб кетган. Бу нафақат уларнинг кўзига, балки руҳий ҳолатига ҳам салбий таъсир қияпти. Болалар ҳалдан узилиб, виртуал оламда яшаб қоляпти. Ҳаттоки, гаджетларсиз овқат емайдиганлари, бир кун ҳам туролмайдиганлари бор. Афсуски, шундай ҳолатларга ҳам гувоҳ бўляпмиз.

Ота-оналар ўзлари қандай катта булганликларини бир эслашсин. Пайти келганда кўчада ўйнардик, пайти келганда кўчада ўйнардик, пайти келганда кўчада ўйнардик. Болалари учун ҳам шундай шароит яратишга, техникадан уларни узоқлаштиришга ҳаракат қилиш лозим. Очик ва тоза ҳавода, қуёш ва табиат бағрида бирга вақт ўтказишсин. Бу кўзлар учун ҳам жуда фойдали. Ёпиқ жойларда болаларни узок пайт ушлаб ўтирмастик керак. Гаджетларга муккасидан кетиш ҳеч қачон яхши оқибатларга олиб келмайди.

Шу ўринда катта ёшдаги кишиларга ҳам тавсиямиз бор. Ҳозир технология ривожланган давр. Компьютерда кўп ўтириш ниссонда касб касалликлари юзага келишига сабаб бўлади. Хусусан, умуртқа поғонаси, остеохондроз, кўз касалликлари юзага келади. Миопия ҳам чарчатади. Шу боис, иш жараёнида ора-орада озгина танаффус қилиб, табиат бағрига чиқиб, тоза ҳаводан нафас олиб, бироз чалғиб ишлаш фойдадан асло холи эмас.

Сўхбатдош:
ЗЕБО НАМОЗОВА
«ISHONCH»



– Офтальмолог кўригига қанча муддатда бориб ту-



Ички ишлар вазирлигининг Жамоат хавфсизлиги департаменти йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати мутасаддилари эътиборига!

АТАЙИН УРЧИТИЛАЁТГАН ҚОИДАБУЗАРЛИКЛАР


Йўқдан йўндиришнинг ҳадисини олган «устаси фаранг тадбиркорлар» фаолиятини ким назорат қилади?

Тошкентда яшовчиларнинг кўпчилиги эрталаб хуш кайфият билан ишга ёки ўқишга отланади. Аммо аксарият ҳолларда манзилга етиб боргунча кайфияти бузилади. Чунки йўллардаги тирбандликлар, бир-бирини ва йўловчиларни ҳурмат қилмайдиган ҳайдовчилар, ён-атрофдаги кузатув камералари, ҳаракатни чекловчи белгилар... хуллас, гоҳ униси, гоҳ буниси асабини эғовлайди. Айниқса, сўнгги пайтларда транспорт воситалари серкатнов кўчаларда юриш янада мушкуллашмоқда. Устига-устак, ўзини хусусий тадбиркор ҳисобловчи баъзи кишилар муайян жойларга ўрнаётган кузатув камералари, радарлар кўпаймоқда. Оқибатда ижтимоий тармоқлар пойтхат аҳолисининг эътирозлари-ю норозиликларини билан тўлиб-тошмоқда. Ўз навбатида, турли ташкилот-корхоналар ҳайдовчилари ва хусусий автомобил эгалари ҳам бу жараёнлар тўғрисида салбий фикрлар билдиришмоқда.

Тўғри, аҳолига наф келтириш ва йўлларда хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳукуматимиз томонидан зарур чоралар кўриляпти. Чунки, тадбиркорларга автомобиль йўлларида қоидабузарликларни фото ва видео шаклда қайд этадиган техник воситаларни ўрнатишга рухсат берилди. Аммо бугун уларнинг кўпчилиги ушбу имкониятдан фойдаланишмоқда. Ўз мижозларини атайин йўл четига қўйиб олиб, ўзгаларни қоида бузишга мажбур қилишмоқда. Сўнгги бу ҳолатларни камерага тушириб, тегишли ташкилотга йўллаш орқали даромад орттиришмоқда. Ҳайдовчилар эса ўша жарималарни тўлаш ёки бекор қилдириш билан овора-ю сарсон...

Айни ҳолат нафақат пойтахтимизда, балки бошқа ҳудудларда ҳам кузатилади. Айрим кўчалар муволишида ҳайдовчилар енгил автомобилларини кўпчилик чоррачага жуда яқин жойга қўйишади. Бу эса бурйлаётганларнинг биринчи йўлакка ўтиш учун узлуксиз чизикни босишга мажбур қилади.

Ажабо, «радарчи тадбиркорлар» шахсий манфаатларини қўзлаб, нега бунчалик пасткашликка қўл уришяпти? Қайси виждон билан махсус «операция»лар уюштириб, ҳаводан ҳолва яшашяпти? Бундай кимсалар тузоғига илгинлар нега кетма-кет жарима тўлашлари керак? Пойтахтда истиқомат қилувчи



аҳоли вакиллари билан суҳбатлашганимизда, улар йўллар шусиз ҳам тикилинч эканлиги, шаҳар ичида тезлик соатига 60 километр қилиб белгиланган, тирбандлик янада кўпайгани, алаққибат, одамлар ҳам кимматли вақтларини, ҳам бебаҳо саломатликларини бой беришаётгани ҳақида кунониб гапиряпти. Ана шундай бир вазиятда пул учун виждонини сотишдан ҳам тоймайдиган баъзи «тадбиркорлар»нинг хурмача қилиқлари дард устига чиққон бўлаётганини таъкидлашди.

– Шаҳарда видео ва фотокузатувлар тобора кучайтириляпти, – дейди новвой Дилшод Одилов. – Одамлар тасвирга тушиб қолмаслик учун ҳаракат қилган сайин қондаларини бузишга мажбур бўлишяпти. Ваҳоланки, «уддабронлар» кузатув камераларини йўл белгилари бор жойларга қўйишлари лозим. Ҳозир-чи?.. Чор тарафда камера, ҳамма ёқда радар. Ахир улар махсус белгиланган жойларга ўрнатилиши керак-ку! Қолаверса, ҳайдовчилар йўл четига атайлаб нотўғри қўйилган машиналар касофати ўлароқ, ҳуда-беҳуда жарималар тўлашмоқда. Тўғри, уларни бекор қилдириш мумкин, аммо бунинг учун сарфланадиган ортикча вақт ва сарсон-сар-

гардонликка ҳар кимнинг ҳам сабр-бардоши етмайди. Ундан кўра, «Бор-э!» деб жаримани тўлаб қўя қолади. Мен эса бошқаларни мана шундай ножўя усуллар билан йўл қоидаларини бузишга мажбурлаётганларнинг ўзларини жавобгарликка тортишни талаб қиламан...

Дарвоқе, биз ҳам ижтимоий тармоқларга юқорида тилга олинган ҳолатлар акс этган видеолар ва фотосуратлар жойлаштириляётганининг гувоҳи бўляпмиз. Уларни кўрарканмиз, айрим юртошларимиз ўзаро меҳр-оқибатни унутиб, бир-бирининг кўзига чўп тикиш даражасида тубанлашиб бораётганидан таажубланамиз...

Албатта, эрталаб ишга шошиляётган, кечқурун ҳориб-чарчаб қайтаётган ҳар қандай киши ҳам уйига 4 донна оз, ози-ми-кўпми мева-чева, болалари ёқтирадиган егуликлар кўтариб боргиси келади. Ўзгаларга тузоқ қўювчи «тадбиркорлар» эса уларнинг ризиқини қийиш эвазига даромад орттириш билан андармон.

Исломда бирорнинг ҳақи, ҳалол ва ҳаром луқма деган тушунчалар бор. Наҳотки, айрим кишилар мусулмон бўла туриб, мана шу оддий одо-ахлоқ қоидаларини тушунмасалар? Наҳотки, бировларни хато қилишга мажбурлаб, ундан фарз ниятлари йўлида фойдаланишдан уялмасалар? Наҳотки, одамларнинг норозиликларини ҳисобига топган пулларини оила аъзолари, жумладан, ота-оналари ва фарзандларининг кундалик эҳтиёжини учун ишлатишдан ҳайиқмасалар? Мавриди келганда айтиш жо-

Гулрухбегим ОДАШБЕКОВА
«ISHONCH»

